





Касаба уюшмалари ҳаётидан

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши мамлакатимиздаги ўзининг муносиб ўрнига, салоҳиятига эга бўлган йирик жамоат ташкилотларидан биридир. Кенгаш 11 тармоқ касаба уюшма шаҳар кўмитаси ва В. П. Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ касаба уюшма кўмитасини бирлаштиради. Касаба уюшма аъзоларининг сони 615 мингдан ортиқ кишини ташкил этади.



— Мирзохид Мирмаҳмудович, пойтахт касаба уюшмалари Кенгаши фаолиятининг йўналишлари, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Касаба уюшма аъзолари, меҳнатқашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, маънавий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳар қандай бирликка эришиш касаба уюшмаларининг бош мақсади ва вазифалари ҳисобланади. Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама битим тузилган. Мазкур битимда бозор муносабатларига ўтиш давридаги энг долзарб масалалардан бири — шаҳарда ва туманларда иш берувчилар ва ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида иш берувчилар уюшмасини шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу иш берувчилар уюшмаси ўз фаолиятида қийин аҳволда қолган кўпгина корхона ва ташкилотларнинг тикланишида ёрдам кўрсатади.

Иқтисодий қийинчиликларга қарамастан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳўжалик раҳбарлари ва касаба уюшма одамлари битимига меҳнатқашларни моддий жиҳатдан таъминлаш, муайян имтиёزلарни белгилаш каби қатор масалаларни киритиш учун имкониятларни изламоқдалар. Битимнинг барча бандлари бажарилишининг бориши юзасидан назорат ўрнатилган. Шунингдек, ҳар йили маъмурият билан мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир меҳнат жамоасининг касаба уюшма кўмитаси ўртасида жамоа шартномаси ва битими тузилиб, уларда томонларнинг мажбуриятлари кўрсатилиб ўтилади. Корхона, ташкилотнинг ишлаб чиқариши — иқтисодий фаолияти, мулкчилик, шаклининг ўзгариши, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандлик кафолати, иш ва дам олиш вақти, интимио ва меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий имтиёزلар, меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби каби масалалар касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида.

— Касаба уюшма ҳаракатини янги босқичга кўтариш, бозор иқтисодиёти шартларида меҳнат аҳлининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги долзарб вазифалар ҳамда келгусидаги режалар нимага асосланган?

— 1999 йил декабрда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари уюшмалараро III конференцияси пойтахт касаба уюшмаларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, ишлар сарҳисоб қилинди ва истиқболдаги янги режаларни белгилаб берди. Қабул қилинган давлат дастурларини илтиҳот билан амалга оширишда фаол қатнашиш, меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қатъиятлик билан ҳимоя қилиш, касаба уюшмалари структурасини тақомиллаштириш, унинг таркибининг иқтисодий, ташаббускор ёшлар ва аёллар билан янгилаш, уларни давр талаби руҳида ўқитиш ҳамда аъзо ташкилотлар билан алоқани яхшилаш — биринчи гадаги вазифаларимиз аниқ шундан иборатдир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоа

МЕҲНАТ АҲЛИ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

шартномаси ёлланма ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишнинг бирдан-бир механизмидир. Шуниси қувонarliки, шаҳар касаба уюшмалари органларида бу муҳим ҳужжатга бўлган муносабат тўбдан ўзгармоқда. Лекин шу билан бирга, тажриба кўрсатмоқдаки, кўпчилик жамоа шартномалари ҳўжақўрсинга тузилади, уларда меҳнат қонунчилигида бу ҳужжатга киритилиши лозим деб бевосита ёки билвосита эътироф этилган қатор талаблар қўйилмапти, уларнинг ижросини назорат қилиш бўшатириб юборилган. Жамоа шартномаларининг айниқса, нодавлат секторида ниҳоятда кам тузилаётгани ҳам ташвиш уйғотади. Давр биздан воқеа-ҳодисаларни бамайлихотир қузатиб ўтирмадан фаол ҳаракат қилишга ўтишни қатъий талаб қилапти. Бугунги кунда банкротга учраган корхоналарни тугатиш натижасида ишдан бўшган ходимларни қайта ўқитиш ва бошқа касбларга тайёрлаш масаласи ҳам муҳим муаммолар қаторидан жой олмақда.

Урта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришда касаба уюшмалари позицияси ва фаолияти механизмининг аниқлаб олиш талаб этилмоқда. Акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, санацияга тушган ва банкротлик арасидада турган корхоналар ходимлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги иш услубларининг ҳам қайтадан қўриб чиқишимиз лозим бўлади. Чунки, уларда ҳанузгача ходимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам онгида иш ҳўжақи ва иш жойларини саклаб қолиш масалалари биринчи ўринда турибди. Ҳолбуки биз давлат билан боғлиқ ва хавфсизлик меҳнат шартининг яратилиш тўғрисида ҳамхўрлик қилишимиз, қайғуришимиз керак.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим муаммоларидан бири — меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш муаммосидир. Табиийки, бу муаммо касаба уюшмаларини ташвишлантирмайдики мумкин эмас. Зеро, бу келгусида касаба уюшмалари фаолиятининг энг ўстувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Касаба уюшмалари кенгашлари маҳаллий ҳусусиятлардан келиб чиқиб аҳолининг ижтимоий ҳимোগа муҳтоаб қараларини ишга жойлаштириш учун энг кам миқдордаги иш ўринларини белгилашда фаол иштирок этишлари, минтақавий бандлик дастурларида расмийлик қилиш учунгина қатнашиш иллатидан тезроқ қутулишлари даркор.

Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари банкротликнинг дастлабки аломатлари кўрина болашини биланок раҳбарлардан тегишли мутахассислар иштирокида иқтисодий таҳлил ўтказилишини талаб қилишлари керак.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнининг чуқурлашиши касаба уюшмалари олдида қонун чиқаришда бевосита қатнашиш юзасидан қатъий талаблар қўймоқда.

Бугун касаба уюшма етакчиси ижтимоий-бошқарув масалаларини яхши тушунадиган, иқтисодиёт, социология, бошқарув қонунчилиги соҳаларини чуқур ўзлаштирган, маъмурият билан ўзаро алоқаларнинг турли шакллари орқали, биринчи навбатда ижтимоий шерикчилик тизими орқали фаолиятни амалга ошира оладиган мутахассис бўлиши лозим. Айни пайтда унга музокаралар олиб бориш учун дадиллик, қатъиятлик, мураккаб масалаларни ҳал этишда принципафиклик, муроца қила олиш қобилияти, шунингдек одамнинг эътибори кўрсата олиши салоҳияти ҳам керакдир.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг III Курултойи қатнашчиларига мурожаатларида жумладан шундай деб айтган эдилар: «Ишончим комилки, мамлакатимизда давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида шаклланиб келаётган барқарор ва самарали муносабатлар бундан бўён ҳам ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ривожланиб бораверди».

Мухтарам Юртбошимизнинг мазкур мурожаатда илгари сурган фикрлари, тасвирлари бутун мамлакатимизда Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрамига қизгин ҳозирлик қилилаётган айни шу кезларда касаба уюшмаларининг фаолиятида дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

—Сўхбатдош УЛУГБЕК ПЎЛАТОВ.



Мамлакатимизда ўтказилаётган кенг қўламли ислохотлардан кўзда тутилган асосий мақсад инсон манфаатларини таъминлаш, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шартинларини яратиш беришдан иборатдир. Ислохотлар домида меҳнатқашлар ҳақ-ҳўқуқларини самарали ҳимоя қилиш эса касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларидир. Албатта, ҳозирги кунда аҳоли ва меҳнатқашларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари қатта масъулият юкланади. Ҳозир давлат муассасалари ва ташкилотлардан ташқари ҳисдорлик жамиятларидаги иш берувчилар ва бошқа нодавлат секторидаги ташкилотлар кенг қўламли фаолият кўрсатмоқда. Мулк шаклидан қатъий назар,

самарадорлигини ошириш, одамларнинг ташаббус ва илтиҳотларини рағбатлантириш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Биз доимо шуни ҳисобга олишимиз керакки, ижтимоий шерикчилик мафқурасини шакллантиришдан келиб чиқиб, ҳўлоса қилганда, корхонада ишлаб чиқариш қанчалек ривожлана, бозор рақобатларига бардош берадиган махсусот ишлаб чиқарилса, бу корхона бой бўлади ва юқоридаги жамоа шартномасидаги ҳамма шартларнинг бажарилишини таъминлайди.

Айтавиз керакки, давр талаблари руҳида фаолият юритаётган кўпгина касаба уюшма ташкилотлари йил сайин меҳнатқашлар учун янги-янги имтиёзлар, янгиликлар берили-

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ: ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

жамоа тузилимида меҳнатқашларнинг ижтимоий ва ҳўқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида иш берувчи ва ёлланма ходимлар ўртасида тузилган жамоа шартномаларнинг роли кун сайин ортиб бормоқда. Иш берувчининг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва у билан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга, корхоналарда ва жамоаларда тартиб-интизомни таъминлашга эришиш бу шартномалар асосий мазмунини ташкил этади.

Узоқ вақтдан келиб чиқиб жамоа шартномасини — иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш норматив ҳўжат деб ҳисоб қилиш мумкин.

Бу ҳўжат асосида иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси ушбу шартномани бажарилиши бўйича қатта мажбуриятларни ўз зиммасига олади ва назорат қилади.

Мана шу ерда касаба уюшмаларининг бугунги кундаги мақсади ва ўрнига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Яъни, ҳозирги ўтиш даврида, бозор иқтисодиёти ўз талабларини рўй-рост намоён этаётган бир пайтда, биз касаба уюшмалари фаоллари иш берувчидан кўп нарса талаб қилмаётганидан шў билан бирга корхонадаги ишлаб чиқаришдаги қийинчилик ва муаммоларни ҳал қилишда, ишлаб чиқаришнинг маҳсулотининг сифатини оширишда, бозор талабига жавоб берадиган тартибдор махсусотлар ишлаб чиқаришда, янги технология ва техника билан корхонани жиҳозлашда иш берувчига энг биринчи ёрдамчи бўлишимиз керак. Бу йўлда меҳнатқашлар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, жамоатчилик онгида ўзини-ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, тежамкорлик ва сифатга эътиборни кўчайтириш лозим. Меҳнат

ШАРҚ ДУРДОЧЛАРИ

● Ҳикмат. Бир киши олдинга келиб, бировни ёмонласа, ёмонловчини ростгўй деб фахллама. Балки уни бу феълдан қайтар. Ўзинг ҳам бундай сўз ва феълдан ҳазар қил.

Байт: *Бировнинг айбини гапириб киши, Ўз айбини қилади ошкор.* *Бировни ёмонлаб гапирса сенга, Сени ҳам ёмонлаб гапирмоғи бор.* ● Бир киши Мусъаб бин Зобир олдига келиб, Аҳнаф ҳақида кўрқинчли, уйдирма гапларни гапирди. Мусъаб Аҳнафни қақиртириб келди ва унга хитоб қилиб, воқеани айтди. Аҳнаф уйдирмачи кишининг ёлғончилигини айтиб, ўзини оқлашга киришди. Мусъаб деди: «Унинг айтган гапларига адолат юзасидан қараганда ишонча лойиқдир». Аҳнаф унга: «Агар сенда ишонч ва адолат бўлганда гийбатчининг сўзига қулоқ солмаган ва уни ҳайдаб чиқарган бўлардинг!»

Байт: *Одат бўлса ҳар кимгў гийбат. Ишонмагин унга ҳеч қачон. Ёмонласа бировни сенга, Ёмонлайди сени ҳам ниҳон.*

● Ҳикмат. Қўлингдан яхшилик қилиш келмаса ёмонлик қилишдан қоч! Агар оғзингда яхши гапнинг бўлмаса, тилингни гийбат ва бўҳтон лойига булғашдан эҳтиёт қил! ● Қўйидаги беш хислат билан Ўзига оро берган киши энг фозил кишидир. Биринчи — дўстни севмиш билан. Иккинчи — халққа манфаат етказиш билан. Учинчи — ёмонликдан узоқ бўлиш билан. Тўртинчи — одамлардан тама ипини узиш билан. Бешинчи — ўлимни мардона қуттиш билан.

● Олти нарса жоҳиллик аломатидир. Биринчи — беҳуда газабланмоқ. Иккинчи — фойдасиз сўзламоқ. Учинчи — ноўрин соғва қилмоқ. Тўртинчи — барчага ишонмоқ. Бешинчи — дўстни душмандан ажратмаслик. Олтинчи — нафсига эрк бермоқ.

Байт: *Оқил газаб келса сабр қилади, Беҳуда газаб қилади подон.* *Фойдасиз сўзларни гапирса ҳар ким, Истаи кам бўлар эл ичра ҳар он.* *Нокаса соғва, ҳар кимга ишонч, Ақил қисқалиқдан кўп яхши нишон.* *Ҳўшёр бўлсанг ёмон кишидан қилма, Оқил ёмон ишни қилади қачон?* *Нафси жиловига эрк берса ҳар ким, Балаюлар ўқига бўлади нишон.*

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ. ● Келтиришларига, Кисронинг бир ўғли бор эди. У жуда кўп овқат ер ва ҳамма хаста ва бемор эди. Ҳеч ким унинг касаллик сабабини билмас эди. Бир табиини келтирдилар. У нуруний сифатли, яхши суваратли, соф миҳоз ва серилож эди. Унинг нафасидан ранжур кишилар осойиш, қадамидан мажрўх кишилар оройиш топарди. Йигитнинг томирига қўл қўйиб, кўп ейиш туфайли овқат ҳазм бўлмастик касалига мубтало бўлганини билди ва уни даволади. Кисро: «Унга нима бердинг?» деб сўради. «Очлик!» жавоб берди табии. Маснавий: *Жисминг сихатини ўйласанг мудом, Заруратдан ортиқ емагин таом.* *Шундай деган букрот: «Гоҳида илож, Мевада хити булар ва яна миҳоз».*

● Бир киши бир улғу одамнинг олдига келиб: «Менга йўл-йўриқ кўрсатсанг» деди. Улғу киши ундан сўради: «Емишинг нима?» У киши: «Саримсоқ, қачон қорним очса, саримсоқ ейман ва ором топанам», деди. Улғу киши: «Бор, аввал ейишни ўрганиб кел, сўнгра йўл-йўриқ кўрсатаман!» деди.

● Ҳикоят. Бир дўстимга насиҳат қилиб дедим: «Золим билан дўстлашма, золим туз ҳақини билмайди. Олдида мингта иссиқ нон билан совуқ сув келтириб, юз иссиқ сўз айтсанг ҳам, минг марта совуқлик кўрсатади». У: «Золим итдир, итни эса, бир лўлка нон билан алдаш мумкин!» деди. «Сен адашсан, — дедим мен унга, — золим итдан баттардир. Итга нон берсанг хурмат қилади, золим эса, миннат!»

Китъа: *Занҳор насткашларга яхшилик қилма, Нон берсанг, нон ҳақин билмайди мутлоқ.* *Нух Каюнга қараб шундай деганди, «Кўрнамандан кўра ит ҳам яхшироқ!»* ● Бир киши золим дўсти унинг олдига келди ва ҳовлисининг эшигини ёпиқ ҳолда кўрди. Киқирганича, ёқимсиз сўзлар билан дашном бера бошлади. Бошқа кун у мени кўриб деди: «Тўғри айтган экансан, золим билан дўстлик қатта таҳот, уларга қўйилган муҳаббат натижаси оху — наво экан!» **Маждиддин ҲАВОФИЙ.** **Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**

БОЛА КУЛСА — ОЛАМ КУЛАДИ

Пойтахт меҳнатқашларининг фарзандларини соғломлаштириш ва мазмунли дам олишини ташкил этиш Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши фаолиятининг ўстувор йўналишларидан ҳисобланади.

Азиз болаларнинг ёғи мавсумда табиат бағридаги сулим оромгоҳларда марокли хордиқ чиқаришини ташкил этишга қатта аҳамият берилиб, ушбу ишга чуқур масъулият билан ёндошилмоқда. Ёзги мавсум даврида пойтахт корхона ва ташкилотлари тасарруфидида 40 та оромгоҳ фаолият кўрсатади ва уларда 50 минг нафар мактаб ўқувчиларини соғломлаштириш режалаштирилган.

Ушбу оромгоҳлардан 23 таси санаторий туридаги, 17 таси соғломлаштириш туридаги оромгоҳлардир. Шунингдек, умумтаълим мактаблари қошида 25 та оромгоҳ ташкил этилган. Соғломлаштириш кўзда тутилган 50 минг нафар болалардан минг нафари меҳрибонлик уйлари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг ўқувчилари, 2,5 минг нафари Оролбўйи меҳнатқашларининг фарзандларидир. Шунингдек, оромгоҳларда Мустақиллик байрамининг тўққиз йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун вилоятлардан ташриф буюрган истеъдодли 800 нафар ўқувчилар тайёргарлик кўриш билан бирга мазмунли дам ҳам оладилар. Бу ўқувчиларга оромгоҳларга йўланмалар бепул берилди. Бу йилги мавсумда санаторий туридаги оромгоҳлар ҳар навбатда 21 кун, соғломлаштириш туридаги ва умумтаълим мактаблари



қошида ташкил этиладиган оромгоҳлар эса 18 кун давомида ишлайди. Мавсумда санаторий туридаги оромгоҳлар йўланмасининг баҳоси ўрта ҳисобда 11 минг сўмни, соғломлаштириш туридаги оромгоҳларда 7 минг сўмни, умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган оромгоҳлар йўланмасининг баҳоси 4700 сўмни ташкил этади.

Ушбу йўланмалар ота-оналарга улғу хизмат қилаётган корхона ва ташкилотлар касаба уюшма кўмиталари томонидан 10 фоизли қийматда берилди. Ёзги мавсумда оромгоҳларнинг биринчи навбатда 14 мингга яқин болалар табиат қўйнидаги гўзал, баҳаво оромгоҳларда мириқиб дам олмақдалар. Болалар билан тарбиявий ишларни олиб бориш оромгоҳлар фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Тасарруфидида болалар оромгоҳлари бўлган корхоналарнинг касаба уюшма ташкилотлари оромгоҳлар кутубхоналарининг китоб фондларини ҳамда уларнинг радиоэлектронли тўла тафтиҳдан ўтказдилар, улар замон талабига, Миллий мафқураимизга мос бўлган бадий ва сиёсий адабиётлар, видео ва аудиоёзувлар билан таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, болаларнинг сулим оромгоҳда марокли дам олиши, соғлиқларини мустаҳкамлаши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун етарлиқ шароит яратилган. «Бола кулса — олам кулади» деганларидек, оромгоҳларда азиз болаларнинг бегубор кўлуги, шодон овози янграб, кишига қувонч, завқшақ бағишлайди.

**Ирода ҲИКМАТОВА,** Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши оммавий-маданий ва спорт ишлари бўлимининг маслаҳатчиси. **Зулфия МАЪРУФОВА.**

ТУГИЛГАН КУНЛАРНИ НИШОНЛАШ ШАРТМИ?

Бир танишимнинг юқоридаги лўқмасидан кейин ўйланиб қолдим. Туғилган кунларни нишонлаш шартми ёки йўқми? Бу ҳақда ҳар кимнинг фикри ҳар хил. Қимди: «Шарт эмас, одам бир марта туғилди-да, ҳар йили туғилмаётганими?» — деса, яна кимдир: «Ҳар йили шарт эмас, ҳар йилда бир юбилей қилинса, қифон» — деган фикрда. Кўпчилик эса туғилган кунларни ҳар йили нишонлаш тарафдори.

Инсоннинг ёруғ дунёга келиши осон эмас. Қолаверса, бу — қатта воқеа. Ана шу улғу санани ҳар йили бир марта ёъъоз билан тилга олиниб, яқинлар даврасида

нишонланишининг нимаси ёмон? Бунинг учун жуда қатта ҳаётда, дабдаба шарт эмас. Туғилган кун — инсоннинг ягона шахсий байрами. Чунки бошқа айёмлар — умумий. Шундай экан, ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай киши ўзи дунёга келган кунини ҳеч бўлмаसा оила даврасида нишонлаши керак, деб ўйлайман. Инсон бу кунда яшаб ўтган ҳаётга қайрилиб қарайди. Қилган яхши-ёмон ишлари ҳақида мулоҳаза юритади. Умрининг ўткинчи эканини яна бир бор ҳис қилади. Тўғри, бу хиссиётларни байрам қилмай туриб ҳам кеңириш мумкин. Аммо дастурхон атрофида шаънинга ай-

тилган иллик гаплар, иссиқ ниҳоллар, дилга яқин одамларнинг эътибори ўзинг билмаган фазилатларингни қақш қилади. Бу нарса билан ордаги умрингга бошқачароқ кўз билан қарашга ундайди. Атрофингда кундалиқ ташвишлар билан бўлиб пайкамай юрган қанча меҳрибонларнинг борлигидан қувонсан, кўнглинг тоғдай ўсиб, бир йилга етулик руҳий қувват оласан.

Безилар соғва олишдан қочиб туғилган кўнга боришни ектирмайдилар. Соғвадан катта-кичиги бўлмайди. Қурбингиз етганча бир нимани кўтариб, қутилмаганда кириб бориб, икки оғиз табриқлаб қўйсангиз, ўша танишингизнинг кўнгли қанчалар кўтарилди!.. Эсимда. Кичкина пайтимида ҳар гал она-жонимнинг туғилган кунларига атаб ясаган қоғоз гулимми, тўқиган рўмолчамми ё биронта оқриткамми соғва қилганимда, оймим тўқиниланиб, қўзларига ёш келар, анчагача жимгина бағриларига босиб турардилар. Шу арзимас нарсаларга шўнчалик ҳаяжонланишларига ҳайрон бўлардим ўшанда. Кейин билсан, ҳамма гап — хўнглимда, эътиборда экан.

Болаларимиз тарбиясида ҳам бу одат қатта аҳамиятга эга. Туғилган кунларни нишонлаш анъанача айланган оилада ўсган бола ўзига ва бировларга нисбатан эътиборли, ҳаётнинг қадрига етадиган инсон бўлиб етишади.

Карор ва ижро



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини тақомиллаштириш ва махсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бозорлардаги тартиб, саранжом-саришталлик, озодагарчилик, тўқинчиликни яхшилаш, уларнинг малакали кадрлар билан таъминланиши борасида муҳим ўрин тутаятгани сир эмас.



ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИ, ХАЛҚИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Биз ушбу қарорнинг бандлари шахар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати, бошқармаси ва йўл-патруль хизмати томонидан қандай бажарилаётгани, вилоятларда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалик махсулотларининг шахримизга кириб келишида тўқинчилик бўлаётгани ёки йўқлигининг бевосита шохиди бўлиш мақсадида пойтахт йўл ҳаракати назорати бошқармаси ходимлари билан қўшма тадбирга чиқдик.

Дастлаб Бекобод йўналишидаги «Бектемир» йўл-патруль хизмати масканида бўлдик. Пойтахт шахар Ички ишлар бош бошқармасининг сафарбар гуруҳи, йўл-патруль хизмати ходимлари, ўргатилган ит билан кинолог ҳамкорликда иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай йўл ҳўшёр туришмоқда.

«Бахт» йўл-патруль хизмати маскани ҳам шахримизга бетиним транспорт оқими кириб келадиган муҳим ва кайноқ нуқталардан бири ҳисобланади. Ушбу масканга борганимизда ҳам йўл-патруль хизмати ходимларининг ўз хизмат вазифаларини синчковлик билан адо этаётганини кўрдик. Энг муҳими, ушбу постга ички ишлар соҳасида 19 йилдан бери фаолият кўрсатиб катта таҳриба тўплаган милиция старшиниси Жумабой Жўраев, катта нозир, милиция капитани Номозали Бойжуманов, старшина Қасим Абдураҳмонов каби ўз касбининг жонқурлари жамланган бўлиб, бу ерда тез-

вазиятлар юз беради. — дейди ўз масъулиятли юмушлари тўғрисида сўзлар экан «Бахт» йўл-патруль хизмати маскани мобил гуруҳининг раҳбари, милиция майори Камол ака Муроджўраев. — Биз асосий эътиборни шахарга ва шахардан ташқарига ажал келтирувчи қурол-яроғлар, ёш умрларнинг бевақт ҳазон бўлишининг омилли — турли хил гиванд моддалар ўтмаслигига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металллар парчалари ва чинкидилари ўғирланиши ҳамда четга ноқонуний олиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари» тўғрисидаги фармони анал қилган ҳолда рангли металллар ўғирланмаслигини назорат қилишга ҳам қаратмоқдамиз. Хусусан, яқинда корейс



тез турли-туман қоида ва қонунбузарликлар фож этилиб туриши эътиборга моликдир. — Албатта, ҳамшаҳарларимиз дастурхонлари тўқин бўлиши учун жаннатмақон тупроғимизда мўл ҳосил берган қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ортлган транспортлар қаровларининг пойтахтга бемалол кириб келишлари учун йўлларимиз доимо очик. — Бирок шуни ҳам айтиш керакки, постда ҳар хил

миллатига мансуб Россия фуқаросини «ВАЗ — 2106» русумли машинада сумкага жойлаштириб яхшилаб яширилган автоматни шахардан ташқарига олиб чиқиб кетаётган пайтида ушладик ва ички ишлар бўлимига топширдик. Ҳозир бу иш юзасидан тергов ҳаракатлари кетмоқда. Бундан ташқари шўбхали кўринган «Нексиа» автомашинасини текширганимизда унинг салонига Тожикистон фуқароси бўлмиш 28 ёшли

хўшёру собит эканликлари, демак халқимиз хотиржамлиги зулуксиз таъминланаятгани, ҳеч қандай қора кўчлар мустақиллигимизга хавф солмаслигига ана бир қарра амин бўлдик. Энг муҳими, қўли гул бободехқонларимиз етиштирган ширин-шакар мева-сабзавотлар пешма-пеш ҳамшаҳарларимизнинг дастурхонига келиб тушмоқда.



Дарҳақиқат, қўшма тадбир давомида Бектемир йўл-патруль хизмати масканидан ўнлаб мева-сабзавот, гағла ортган машиналарнинг ҳеч қандай тўсиқ-

Дилшод ИСРОИЛОВ, «Тошкент оқшоман» муҳбири. Вячеслав ТУТИН, Тошкент шахар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тарғибот бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги. СУРАТЛАРДА: «Бахт» йўл-патруль хизмати маскани мобил гуруҳи командири, милиция майори Камол Муроджўраев (чапдан учинчи) ўз ходимларига йўл-йўриқлар бермоқда; Бектемир йўл-патруль хизмати маскани ходимлари ўз масъулиятли вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Хангалар

Кўз тегмасин маржондек теп-текис, дурдек оплок. — Туф, туф, кўз тегмасин. — Ешим қирқ бешда, ҳамма тишларим солпа-соғ,

ган, олмадек теп-текис. — Туф, туф, кўз тегмасин-а! Тасаввур Адабиёт дарсида ўқитувчи ўқувчидан сўради: — Алишер Навоий Фузулий ҳақида қандай фикрларни билдирган? — Фузулийнинг қалами ўткир, забардаст шоир экани таъкидланди, унинг «Девони» ва аруз вазнида ёзилган қатор шερвлари ҳақида мактов сўзлари айтилган. — Навоий бобомиз 1441-1501 йилларда, Фузулий 1498-1556 йилларда яшаб, ижод этган. Шу сана ҳақидаги маълумотининг аниқлаш учун шу саволи берган эдим. Ҳўш, энди нима дейсан? — Бунинг мен ҳам биламан, устоз! Ҳазрати Навоийнинг буюкликлари шундаки, у киши келажак ҳақида ҳам маълум тасаввурга эга бўлганлар. Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Мен қимман? Қандай одамман?

СИЗ ТАНЛАГАН ЙИГИТ ЧИНДАН ҲАМ ЗЎРМИ?

Эҳтимол, сиз бир қанча вақтдан бери йигит билан учрашиб ҳам юргандирсиз? Балки уни севиб ҳам қолгандирсиз? Уни рисоладагидай йигит деб ҳисобласиз? Лекин чиндан ҳам сиз ўйлагандай одаммикин? Бунинг қуйидаги тестимиз ёрдамида аниқлаб олишингиз мумкин. Ҳиссиётларингизнинг берадиган жавобларингизга таъсир этишига йўл қўйманг. Айни ҳақиқатни билиб олишингизга аминмиз.

- 1. Бирга бўлган вақтларингизда у: а) Ҳар қандай вазиятда ҳам сиз ўзингизни аъло даражада ҳис этишингизга ғамхўрлик қилади. б) Одатда сизнинг кайфиятингизга эътибор бермайди. в) Ҳақиқатда ҳам ундасидан чиқармасан-да, учрашув яхши ўтишига интилади. 2. Кўнглини хира қиладиган гаплар! Кейинги икки ой ичиде у неча бор сизга қаттиқ ботадиган гап айтди: а) Бирон марта ҳам айтгани йўқ. Яна шуни ҳам биласизки, у сизга бирон-бир кўнглисиз гапни айтгандан кўра, соқов бўлишни афзал кўради. б) Бир неча марта. Ҳар гап ҳам жакли чиқиб гапиргани ҳамда унинг гаплари сизни ранжитишини тушуниб турарди. в) Қўли билан икки марта. Лекин у сизни хафа қилмоқчи бўлмаганини яхши биласиз. 3. Агар сиз (жиддий бўлмасан-да, уни бир қанча вақт қўрқолмайдиган ҳолатда) касал бўлиб қолсангиз, унинг учун: а) То сиз соғайгунингизча унинг учун бутун вақт тўхтаб қолади. б) Сиз то тазаланингизгача, у бошқа қизлар билан учрашуви бошлаб юборади. в) Ҳасталигингиздан безовталансан-да, бу унинг учун ҳаёт тугади, деган гап эмас.

- 4. Автобусдан тушаётганингизда қўлини бериш, хавфсиз йўлқадан кетаётганингизга ишонч ҳосил қилиш, ўзидан олдин сизни ўтиришга таклиф этишига у қандай қарайди. Шундай қилиб у: а) У бундай ишларга жуда эътиборлигидан сиз ўзингизни малаикалардай ҳис этасиз. б) Афтидан, бундай тақаллуфлардан бутунлай беҳабар одамга ўхшайди. в) Анча эътиборли, лекин эътироф этишингиз керакки, бундай пайтларда у «хол қўйган» ҳолатлар ҳам учраб туради. 5. У сизни «ўз-ўзидан бўлиши керак бўлган нарсасига қиёс қилишни тез-тез ҳис этиб турасизми? а) Амалда ҳеч қачон. Чунки у бунақа одаммас. б) Умуман олганда ҳаммиша шуни ҳис этман ва аҳволни қандай ўзгартиришни ўйлаб юрибман. в) Вақт-вақти билан шундай фикр ҳаёлимга келади. Лекин унинг менга муносабати жуда яхши бўлгани учун ташвишланишга ўрин йўқ. 6. Сизнинг қизиқларингиз, интилишларингиз, турли нарсаларга бўлган муносабатингиз ва х. к.лар уни қай даражада қизиқтиради? а) Сизга даҳлдор ҳамма нарсани қизиқтиради. б) Унга бунинг умуман қизиғи йўқ. в) Ҳаммаси бўлмасан-да баъзилари уни қизиқтиради. 7. Бошқарилган фикрингиз бир жойдан чиқмай, тортишиб қолганингиз-да, ҳатто жанжаллашингизга тўғри келганда у: а) Ҳатто сиз ноҳақлигингизни билган ҳолда ҳам у ҳаммиша сизни ёқлайди. б) Одатда ўзини четга олиб, жанжалга аралашмайди. в) Икки томонни келиштиришга интилади ва Сиз ҳақлигингизни билса қўллаб-қувватлайди. 8. Ва ниҳоят энг охириги — у: а) Ҳамиша сиз ўзингиз хоҳлаганча иш тутшингизга йўл қўйиб беради. б) Ҳамиша ҳамма нарсани ис-тагича бўлишини хоҳлайди. в) Ҳатто масалани ўзи ҳал қилишни истаган тақдирда ҳам уни бирга-лиқда ечишга интилади. Балларингизни ҳисобланг: (а) жавоблари учун унга 3 балл, (в) жавоблари учун — 2 балл ва (б) жавоблари учун 1 балл беринг. 22-24. Бу йигит ҳаддан ташқари рисоладагидай экан. Ҳаммаси жуда ҳам яхшироқки, бунга ишониб қийин. Афтидан, у ўзини шундай баҳолайди ва тез орада унга чидаб бўлмай қолади. Бундай нуқсонсизлик табиатда учрамайди. 16-21. Назаримизда, у худди сиз излаган одам. Унда ширинсуханлик ва характер кучи ўйғун қўшилиб кетган. У яхши кўринишга ҳаракат ҳам қилади. Унинг ўз фикри бўлиб, барибир, сиз билан ҳисоблашади. 11-15. У жуда ҳам «рисоладагидай» эмасдир. Лекин хавотирланишга ўрин йўқ. Одамларга хос камчиликлар уни ҳам четлаб ўтмаган, холос. У ўзини ҳаммиша табиий тутди, «артистик» қилмади. 10 ёки камроқ. Ҳа, бу йигит ҳар нарсани бўлиши мумкин-у, уни ҳеч ҳам «рисоладагидай» деб бўлмади. У сиз билан қарийб ҳисоблашмайди, ўзидан бошқа ҳеч ким ҳақида ўйламайди, худбин ва шўхратпараст одамдир.

Шифобахш неъматлар ЖИЙДА ДАМЛАМАСИ

Жийда ҳар қандай хонадоннинг дастурхонига кўрк бағишловчи азиз табиат неъматларидан бири ҳисобланади. Айни саратон кунлари одам ҳолдан тойиб, мудроқ босар палларарида жийдали дамладан ичиладиган бўлса, сўзсиз одамни тетиклаштириш билан бирга кайфиятини зиёда этади, чанқоқлики олади. Шу билан бирга жийдани тайёрла-надиган дамлама мева-ичак касалликларига, айниқса мўр-гак болаларнинг ичи кетганида, юқори нафас йўллари ша-моллаганида, бўй рисоладагидек ўсмаслигида, тери қазқо-қанишида, бедармонликда, тинка қуришида шифоли таъси-рини кўрсатади. Жийданинг бундай хосиятлари унинг тар-кибидаги шифобахш омилларнинг мажмуаси билан таъриф этилади. Чуночки, жийда меваси таркибида 40-67 фоиз қанд-лар, 36 фоизгача қуруллатирувчи моддалар, 100 мг фо-изгача С белгили дармондори, 2,4 фоиз атрофиде органик ациллар ва микроэсулрлар жо бўлган. Уй шароитида жийда меваларидан қуйидагича дамлама тайёрланиши мумкин. Бунинг учун оғзи ёпиладиган ҳаро-ратта бардошли шиша, сирли идишга бир ярим литр сув қўйилиб, унга 50 грамм микдорда майдаланган жийда ме-васи солинган, бироз қайнатилган-да, бироз қўйиб қўйила-ди. Сузиб олинган, салқин жойларда сақланиши тавсия эти-лади. Жийда мевалари таркибида салмоқли қанд моддаси бўлганлиги тўғрйли, ичимлик ўзгача хуштам ва табиатли бўлиши билан ажралиб туради. Доно ХЎЖАЕВА, олий тоифали дорисунос.

Малҳамлар КОВУЛ ХОСИЯТИ

Агар эътибор қилган бўлсангиз, бетонларни ёриб чиққан ўсимликларни кўргансиз. Бунинг фанда каппа-рис спиноза, халқ тилида ковул дейилади. Ўсимликнинг характерли томони шундаки, унинг ил-дизлари турли тўсиқларни эритиб, ўзига йўл оча ола-диган кислота ажратиб чиқа-ради, сувни жуда тежаб сар-флайди. Ковул илдининг йўғонлашган қисми ҳамда барглари уни ёзининг жазир-рамасида қожираб қолишдан сақлайди. Ҳатто у 70 даража иссиқда ҳам бемалол яшаб тураверади. Ковулнинг 150 га яқин тури бўлиб, бизнинг дийри-мизда фақат биттагина тури ўсади, холос. Ер бағирлаб ўсувчи, бўйи 2 метргача ета-диган, кўк пояли ўсимлик. Қисқа бандли гули барг қўлтигига жойлашган. Июль, август ойларида пишадиган мева қўсакчаси ёрилиб кета-ди. Ковул ширага бой ўсим-лик. Майнинг ўртасидан но-ябргача гуллайди, асал шира ажратди. Ковулнинг гуначи-дан тайёрланган маринадлар французларнинг хўшхўр тао-ми ҳисобланади. Унинг гу-начиси, меваси, майин новда-ларини сиркалаб, зиравор сифатида ишлатиш мумкин. Буюк шарқ донишманди Абу Али ибн Синонинг аса-рида ёзилишича, ковулнинг барги бош оғриганда, қобик-лари қора жигарни даволаш-да фойдаланилади. Илдиизи ва баргларида тайёрланган малҳам чипқан ва бошқа яра-ларни тўзатишда ишлатиб ке-линган. Мева қайнатмаси милкни мустаҳкамлаш, тиш оғригини босишда, илдиз қайнатмаси эса сарик касал-лики даволашда қўлланила-ди. Ўсимлик таркибида рутин, қвөрцетин, аскорбин кисло-таси, буюк моддалар, канд-лар, ситостерин бирикмала-ри бор. Кейинги йилларда ковул илдининг спиртли эритмаси қон увишини тез-латиш хусусиятига эга экан-лиги ҳам аниқланди. Ковул кам тарқалган гивёх, шунинг учун уни эҳтиётлаш, сақлаш зарур. Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, дорисунос.

Бу-қизиқ «ҚИЗИЛ КИТОБ» ЯНАЯМ ҚИЗАРДИ

Молдовада ўзларининг маҳаллий «Қизил китоб»ла-рини чиқаришга қарор қилишди. У бундан 20 йил аввал оммага билдирилганди. Бу вақт орасида ўсимлик ва ҳайвонот олами беш баробарга ошди. Энди бу рўйхатга 116 ҳайвон ва 126 та ўсимлик киритиладиган бўлди. Тирик жозотнинг бунчалик йўқолишини мутахассислар қимёнинг қишлоқ ҳўжалигига қўллаб қўллангани ҳамда ўрмондаги даракларнинг кесиб юборилиши билан бо-ғламоқдалар.

АЙБОЛИТ-ҚОПЛОҢ ТАБИБИ

Салехордаги зооветеринария талабалари олти ойлик Лайло ва Ойдорни даволашди. Қоплончалар оғир аҳвол-да Мурманскнинг «Чикаго» циркнинг гастроли пайтида уларнинг қўлига тушиб қолганди. Икки ҳафта мобайн-да талабалар техникум ветеринари Ольга Залянова би-лан биргаликда улар ҳафти учун курашдилар, ҳатто том-чилатиб дори қўйдилар. Тунлари лабораторияда набат-чилик қилдилар. Ташхис қўйишда округ шифохонаси хирурглари ёрдам беришди. Аниқланишича, қоплончалар юқумли касаллик билан оғришган экан. Улар Ольга Павлованинг уйида она мушук ва мушукча билан дўстлашган ҳолда бутунлай соғайиш имкониятига эга бўлдилар. Аммо бу дўстлик узоққа чўзилмади, чунки Лайло ва Ойдор Мурманска олиб кетилди. Машпура НАБИЕВА тайёрлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АХОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2000 йил 1 августдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилиб, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилин-ган ҳар бир 1 квт соат электр энергия нархи 4 сўм 70 тийин, ош-хона электр плиталари билан жи-ҳозланган уйлар учун эса 2 сўм 35 тийин белгиланди. Аҳоли учун ўрнатилган барча им-тиёзлар сақланиб қолинади. 1 августгача сарф қилинган электр энергия ҳақи эски нархда фақат 10 августгача қабул қилинади. Тошкент шахар электр тармоқлари корхонаси.

Тошкент вилояти, Қўнраб тумани 25-мактаб томонидан Яйра Эркинова Абдуллаева номига 9-синф маълумотида тўғрисида берилган 442614-рақамли шаходатнома йўқо-лганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Педиатрия илмий текшириш институти жамоваси бўлими мудири Я. А. Қосимовга отаси ОБИДЖОН КАРАБЕКОВНИНГ бевақт вафот этганилиги муносабати билан чуқур ҳам-дардлик билдиради.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09. Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қозғ бичими А-2

Нашринг отказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Рўйхатдан утиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.